

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 223 (2256).

10

НОВАБРЬ
ШАНБА
1962 ЙИЛ


БАҲОСИ
2 ТИНИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини 1962 йил 19 ноябрда чақиришга қарор қилди.

Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш тўғрисидаги масала Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига киритилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладчи қилиб тасдиқланди.

Бу масалани муҳокама қилишда қатнашмоқ учун республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия, совет ва хўжалик фахрий Марказий Комитет Пленумига таклиф этилади.



Москва. 7 ноябрь 1962 йил. Улуғ Октябрь социалистик революцияси 45 йиллигининг байрам қилиниши. Меҳнаткашлар вакиллари Қизил майдонда.

В. Соболев ва В. Егоров фотоси. (ТАСС фотокорреспонденти).

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЮК БИРДАМЛИГИ

Қизил майдонда парад ва Москва меҳнатнашларининг намоиши

7 ноябрь. Ҳар қачонгидек шу кунни пойтахт Қизил майдони умумхалқ байрамнинг маркази бўлиб қолди. Унинг гранит минбарларига давлат ва партия арбоблари, ишчи ва колхозчилар, фан ва маданият намояндлари тўпландилар. Ҳамма қишқалардан келган чет эл ишчилари ва касса соҳибдорлари ҳам бу минбарлардан жой олганлар. Дипломатик корпус аъзолари, элчи-хоналарнинг ҳарбий атташелари минбарларда ҳозир эдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кирilenко, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, Ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига чиққанлариди,

байрамга келган кишилар уларни қизин табриклидилар. Атоқли саркаралар: Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турлари маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг адмираллари ҳамда генераллари Мавзолейнинг ўнг қапотида турibdilar.

Совет рота ўн. Параднинг қабул қилувчи СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский Спасск бағиши дарвозасидан очиқ машинада майдонга чиқиб келади. У қўшинларни айланиб, уларни байрам билан табриклиди. Бунга жавобан гоҳ у ер, гоҳ бу ерда салобатли «Ура!» салолари янграйди.

Шундан сўнг Мудофаа министри Мавзолей минбарига чиқиб, нутқ сўзлайди.

учун ўзининг қўлидан келган ҳамма чораларни қўрди. Совет ҳукумати ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчев тинчликни сақлаб қолиш ва халқларни киргиз урушдан қутқариб қолтиш тўғрисида қилётган ғамхўрликларининг янги ёрқин кўринишини бутун прогрессив инсоният қизин қувватлади ва маъқуллади.

Совет Иттифоқи ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини олишмай ўтказиб келмоқда ва барча низоли масалаларни музокара йўли билан ҳал қилишга эришмоқда. Лекин империалистлар халқларнинг иродасига қарамай, янги жаҳон урушини бошлашга журъат қилсалар, уларга қақшатиғ жавоб зарбаси берилади.

Жонажон Коммунистик партияга, коммунизмнинг улуғ ишига фидокорона содиқ бўлган Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари совет кишиларининг яратувчиллик меҳнатини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар ва Ватан олдидаги ўзларининг ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажаришга тайёрдирлар.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги! Яшасин коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқи!

Яшасин Улуғ Октябрь галабаларининг содиқ посбони, бутун дунёдаги тинчликнинг мустақам таянчи бўлган шавкатли Совет Кўролли Кучлари!

Барча галабаларининг илҳомини ва ташкилотчилиги — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Ура!

Бир минутлик сукунатдан кейин қўшинларнинг тантанали марши бошланиб кетади. Ҳарбий андемияларнинг тингловчилари, денгизчи ва чегарачи курсантлар, Суворов билим юртининг талабалари текис саф тортиб ўтадилар.

...Тарих музейи тарафдан моторларнинг гулдураги эшитилади. Кўролли Кучларимизнинг жанговар техникаси ўз кудратини намоиш қила бошлайди.

Шухрати тилларда дoston бўл-

ган М. И. Калинин номли Тамань мото-ўқчи дивизиянинг гвардиячилари бронемашини ва бронетранспортерларда елдек учиб ўтар эканлар, киши тасавурида ўтмишдаги юришлар ва жанглар гавдаланади. Бу гвардиячиларнинг машиналари на қуруқликдаги, на сувдаги тўсиқларни писанд қилади. «ТАЗ-69» машиналари ва броня қопланган ўзинор артиллерия установакалари майдондан жуда тез ўтади. Ана шу машиналарда ўтирган жангчилар шлем кийиб олган, уларнинг қўлида аэтомат ва елкасида парашютлар бор. Булар — ҳаво пилда аскарлари, десантчи парашютчилардир.

Қудратли моторлар гуруллабди. Кантимир дивизиясининг танклари майдондан ўтиб боради. Бу танклар ҳам на қуруқликдаги ва на сувдаги говларни писанд қилади, душмани хоҳ қундузи, хоҳ кечаси бўлсин топиб, тўплардан беҳато ўққа тутиб, уни яқсон қилишга қодирдир. Худди ана шу танкларни қўриқлагандек уларнинг кетидан ўзинор қўшалок зенит артиллерия установакалари ўтиб боради.

Майдонга автомобиллар ва занжирсимон гилдиракли бронетранспортерлар кириб келади. Уларга тўплар тиркаб қўйилган. Тобора катта калибрли тўплар ўтаберилади. Артиллерия қопонаси узун столли ўта кучли тўплар билан тугалланади. Бу тўплар душманин ҳар қандай мудофаа истеҳкомларини вайрон қилишга ҳамда ўз қўшинларининг тўхтовсиз суратда илгариллаб боришини таъминлаб беришга қодирдир.

Майдонга ракета қўшинлари кириб келар экан, минбардаги кишиларнинг заъқи айниқса кучайиб кетади.

Реактив системалари бўлган ўзинор автомобиль установакалари охишта ҳаракат қилади. Уларнинг кетидан зенит ракеталари ўтади. Америкалик разведначи жусусларни территорияни устидан уча олмайди қилиб таъзин бериб қўйган ракетага мана шулардир. Бундай ракетага икитаси ҳар қандай замонавий самолётни уриб — тушириши мумкин.

Моторларнинг гуруллаши зўрайберилади. Ўзинор занжирсимон

гилдиракли установакалар майдон томон яқинлашади. Ядро зарядли ва бошқа ракетага билан қуруқликдаги ҳарбий қисмлар — қуруқликдаги юришлар ва жангларнинг хилма-хиллиги ва қудрати совет кишиларини қонуний равишда фахрлантирмоқда. Ер шаридида совет ракета техникаси етиб бора олмайди нунта йўқ. Ҳарбий денгиз флотиди ҳам ана шундай техника бор. Ракетага дейгизчилар ва шу жумладан душманга сира тутқич бермайдиган сув ости денгизчилари жанговар вахтада турибдилар. Совет халқи денгиз флотининг узокки мулжаллаб отиладиган кучли ракетага билан қуруқлантирди. Бу ракетага билан сув остида еки бошқа ҳар қандай ҳолатда туриб отиш ҳамда уларнинг ядро зарядли планетамининг ҳар қандай нуқтасига етказиш мумкин.

Совет Иттифоқи Кўролли Кучларининг энг асосий тури — стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинларининг қисмлари майдонга кириб келади.

Занжирсимон гилдиракли байхабат тагачлар Қизил майдондан олиб ўтаётган улкан ракетага билан лойиҳасини совет олимлари ишлаб берди, уларни инженирларимиз, техникаларимиз, ишчиларимиз тайёрлади. Шу ракетага билан тўғичларнинг ердами билан Ер ва Қўшнинг йўлдошлари учирлиди. Ойнинг орқа томонига фотосурат олиниди ҳамда жаҳонга доврқ солган қолдусимон «Восток-1», 2, 3, 4 кемалари орбитага чиқарилиди, ҳозирдаёқ миллион-миллион километр йўл босган планеталаро «Марс-1» станцияси Марс планетаси томон учирлиди. Шу ракетага билан тўғичлари 12 миң километрдан узок масофадаги Тинч океан акваториясини мулжаллаб отилган пайтда, нишонга ҳайратланарли тарзда жуда аниқ тегди.

Ҳозирги замон фани ва техникасининг энг сўғги муваффақияти — стратегик аҳамиятга эга бўлган улкан ракетага ўтиб борар экан, телеккалар устиди равоң чайналади. Мана шу ракетага географик жиҳатдан зарбага учрамайдиган жой, деган тўғиччаи ҳарбий стратегия фанидан учириб ташлади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги муносабати билан 7 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кирilenко, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР ва РСФСР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқининг ва қўшин турларининг маршаллари, марказий бошқармалар ва муассасаларнинг раҳбарлари, СССР ва иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Москва шаҳар ва область партия ташкилотларининг раҳбарлари, адмираллари ва офицерлари, совет космонавт учувчилари, фан ва маданият арбоблари, Москва корхоналари ва қурилишларининг илгорлари, Москва области даладарининг меҳнаткашлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, СССР Олий Совети Президиумининг, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, бир қанча министрликлар ва бошқармаларнинг масъул ходимлари бўдилар.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўдилар.

Москва ва бутун Русь патриархи Алексий ҳамда олий руҳонийларнинг бошқа вакиллари ҳозир бўдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги байрамиди қатнашмоқ учун Совет Иттифоқига келган жуда кўп ақнабий меҳмонлар ва чет эл делегациялари Съездлар саройида ҳозир бўдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик революция қилган ва порлоқ келажакка йўл очиб берган улуғ совет халқи шарофига қадаҳ кўтарди. Совет халқи қилган қаҳрамонлигининг улғиғи шундан иборат бўлдики, Россия иқтисоди қолоқ мамлакат бўлган, биз маҳрумликлар ва муқошллик, вайронлик ва очлик азобини тортган шароитда совет халқи партия ва Лениннинг қақирғи билан социалистик революция қилиш учун кўгалди, бутувайла дегарлик ялангоҳ ва қурул-яроғсиз бўлган ҳолда ҳокимият ва революцияни муҳофаза қилиш учун кураш олиб борди.

Н. С. Хрушчев мамлакатимизнинг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари ва зиёлилари шарофига. Коммунистик партия ва Лениннинг Марказий Комитет ҳамда Совет ҳукумати шарофига, Октябрь галабаларини қўриқлаб турган ва бизнинг тинч меҳнатимизга, галабаларимизга бўладиган ҳар қандай халқани қайтартишга ҳамisha тайёр бўлиб турган Кўролли Кучлар шарофига қадаҳ кўтарди. Бизнинг келажакимиз бўлган ёшлар шарофига, партиянинг қақирғига жанговар жавоб бериб, коммунизм йўлидан курашининг энг олдинги «чакчалари» бораётган шояли Ленин комсомоли шарофига қадаҳ кўтарилди.

Сўнгра ўртоқ Н. С. Хрушчев меҳнаткашларнинг халқаро революцион бирдамлиги шарофига, социалистик мамлакатларнинг халқлари шарофига, қаҳрамон Куба ҳамда унинг Куба революциясининг улуғ йўлбошчиси Фидель Кастро ва унинг шонли сафдошлари бошчилигидаги революцион ҳукумати шарофига қадаҳ кўтарди.

Ҳамма халқлар ўртасида дўстлик учун, тинч-тотув яшаш сиёсати учун, низоли халқаро масалаларни ҳал қилишга сергаклик ва оқилона йўл тутиш учун, бутун дунёда тинчлик учун. Москвада жаҳондаги кўп мамлакатларнинг вакиллари бўлиб турган элчилар учун қадаҳ кўтарилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг социализм куриш йўлига тушиб олган, коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида социалистик жаҳият қураётган халқлар тўғрисида, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, ер юзиди бахт-саодат ва тинчлик бўлиши учун курашгаётган халқлар тўғрисида чин кўнгилдан илҳомбахш тагаллари айтиди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлари зўр эътибор билан тингланди, қизин маъқуллади ва дўстона қарсаклар билан неча марта лаб бўлиниб турди.

Қабул маросими бемалоллик, самимият ва дўстлик вазиятида ўтди.


Меҳмонлар учун концерт берилди. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ АЪЗОЛАРИ ЎРТОҚ ЯНОШ КАДАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

8 ноябрда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов ўртоқлар Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси ўртоқ Янош Кадар билан учрашдилар.

Учрашув қатнашчилари ҳар иккала томонни қизиқтирувчи кўп масалалар устиди фикрлашиб олишди.

Учрашув самимият ва дўстлик вазиятида ҳамда муҳокама қилинган ҳамма масалаларга нарашларнинг тўла бирлиги руҳида ўтди.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли Қизил майдонда ҳарбий парад.

А. Абалая ва В. Салов фотолари.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 2,5 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ БУЮК НАМОЙИШИ

МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА ПАРАД ВА НАМОЙИШ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Парад охирида йиғма оркестр майдондан ўтади. Оркестр ўзи олис бўлса ҳам, қалбимизга жуда яқин бўлган революцион Куба маршини — «26 июль марши»ни чалади.

Кўп минг кишилик байрам намоийши Тарих музейига яқинлашган пайтда майдонга терилган тошлар тизмалари билан транспортёрларнинг гулдураларидан ҳали гирчиллар эди. Майдон узра алағали кунлар қўшиғи янграйди. Қизил алвонга ўралган машиналар Мавзолей олдидан ўтиб боради. Советлар мамлакатига тузилган йил — «1917» — рақами улкан байроққа ёзиб қўйилган.

Мовий, қизил, тилларанг сафлар майдонни лиқ тўлдирди. Бу — традицион байрам намоийшининг бошлаб бераётган Москва физкультурачиларининг сафларидир. Ингитларнинг қўлида лангарчўлар, қизларнинг қўлида эса қизил юлдузли елпигичлар бор. Улар ўз сафларини бир неча марта усталик билан ўзгартириб, майдон устида юлдуз тасвири ва «45» рақами ҳосил бўлади.

Ранго-ранг сафлар бир лаҳза сукутга чуқкач, беш минг киши бир овоздан: «Партиямиз ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!» — деган хитобни айтади.

Майдонга кириб келган тўртта «Восток» космик кемасининг «экипажи»дан иборат бир тўда болалар Мавзолей томон югуради. Мактаб ўқувчилари минбарга чиқадилар. Улар ўз қўлларидан гулдусталарни партия ва ҳукумат раҳбарларига тутадилар.

Районларнинг байроқдорлари майдонга кириб келади. Колонналар улуг Лениннинг портретларини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретларини, «Коммунизмни қурамоқчи» деган широрларни боши узра баланд кўтариб олган.

Пойтахтдаги энг йирик завод ва фабрикаларнинг коллективлари районларнинг колониаларига бош бўлиб келмоқда. Улар баланд кўтариб олган қизил алвонларга қўйилган сўзлар ёзилган:

Партия — бизнинг куч-қувватимиз!

Партия — бизнинг шаън-шавкатимиз!

Партия — бизнинг шон-шарафимиз!

Кўтарилиб келатган қуёш шуъласи фонда кенг очиб қўйилган китоб — КПСС Программасидан иборат символик тасвир ҳар бир колоннада, унинг нури эса ҳар бир қалбда бор эди. Совет кишилари учун Октябрьнинг 45 йиллиги КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини бажариш белгиси остида ўтди.

Ленин районининг колониаси коммунизм қураётган илчиларнинг сурати солинган ва «Меҳнат билан ва фақат меҳнат билан» сўзлари ёзилган транспарантин баланд кўтариб олган. Москваликлар зарбдор йиғирма йилликнинг дастлабки йилда пойтахт байроғини шараф билан кўтариб ўтдилар. Москва саноати ўн ойлик пилани мўддатидан олдин бакарди. Бинокорлар москваликларга 85 мингдан кўпроқ квартира топширди, 48 та мактаб, 100 та болалар боқча ва яслини, 14 та касалхона қуриб берди. Москваликлардан бир ярим миллиондан кўпроқ киши коммунистик меҳнат байроғи остида ишламоқда.

Коммунизм қураётган мамлакатимизнинг меҳнатдаги салобатли олим байрам намоийшининг гулдураларида ҳам эшитилиб турибди. Братск ГЭСининг қурувчилари ва Донбасс кончилари, Ўзбекистон пахтакорлари, Татаристон нефтчилари, Сибирь олимлари — ишчилар компас — КПСС Программасига қараб ишлаётган барча совет кишилари бугунги кунда: тутган йўлимиз тўғри! — деган сўзларни айтмоқдалар.

КПСС XXII съезидан кейин ўтган бир йилда Ватанимиз Тула, Липецк ва Череповецдаги янги кудратли домналарга эга бўлди. Белоруссия ва Озарбайжондаги йирик тепловий электростанцияларнинг турбиналари ишга солиб юборилди. Машинасозлар бир йил ичида халқ ҳўжалигига металл ишлайдиган 178 мингдан кўпроқ янги станок бермоқдалар. Шунинг натижасида мамлакатнинг станоклар парк жажонда энг катта паркига айланмоқда. Экин май-

донлари 11 миллион гектар кўпайди. Шунинг ўзи Чехословакия территориясига деярлик баравардир.

Бинокорлар бир йил ичида умумий сатҳи 82 миллион квадратметр, яъни Москваде шаҳарнинг иккитасига тенг бўлган ҳажмда уй-жой қуриб бермоқдалар!

Фанлар академиясининг колониаси майдонга кириб келар экан, минбарларда қарсақлар янграйди. Олимларимиз мамлакатимизда коммунизм қуришга жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Ядро энергисидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида янги имкониятлар кашф қилган энергетиклар ва физиклар, инсоннинг умрини узайтириш учун ҳормай-толмай кураш олиб бораётган биологлар ва химиклар академия сафлариди ўтиб бормоқда. Илм-фанимиз космосга қилинган зафарли парвозлар билан жаҳонга шуҳрат ёйди. Космоснинг забот этилиши — совет кишининг, ундаги куч-гайрат, ирода, ақл-заковатнинг тантанасидир.

Ноябрь ойига хос бўлмаган иссиқ қуёш байрам бўёқларига нур кирғизиб юборди. Колонналар ўз-ўзига гулдусталарни кўпалаб қўриш мумкин.

Бугун Қизил майдонда «Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик, Бахт-саодат» деган энг одми, энг тушунарли сўзлар ҳукмрон эди. Коммунистларнинг бу широри ер юзидида меҳнаткашлар қалбидида акс садо берди. Қизил майдонда айрилган қўйидаги оташин широрлар ер юзининг ҳамма қисмига парвоз қилмоқда:

«Хамма мамлакатларнинг халқлари! Хушёр бўлингиз, уруш оловини ёдучи империалистларни фойш қилингиз! Мустақкам ва бузилмас тинчликни таъминлаш учун активроқ курашингиз!»

«Хамма мамлакатларнинг халқлари! Еппасига ва батамом қулоқ-сизиланиш учун кескин курашингиз!»

«Биз сизга ҳамдамиз, озодлик ороли!» — демоқдалар москваликлар. Фидель Кастро билан Н. С. Хрушчев тасвирланган панно майдонда олиб ўтилди. Москва меҳнаткашлари — каллибрчилар, динамочилар, автозаводчилар, бинокорлар қардош Кубага бераётган ёрдамлари ҳақида ҳикоя қилмоқдалар.

«Тинчлик» ва «коммунизм» сўзлари тарих лугатида синоним сўзлар бўлиб қолди. Планетамиз бугун ўз радиосини Қизил майдонга тўғрилар экан, коммунистларнинг: «Халқларга тинчлик! Яйахонга тинчлик!» деган илҳомбахш широрини тинглагоқда.

Қизил байроқлар орасида социалистик мамлакатларнинг байроқлари кўтариб ўтиллар экан, минбарларда қарсақлар гуруллайдилар. Намойишчилар умумий мақсад — коммунизм сари бир сафда бораётган қардош халқларнинг бузилмас бирлигини шарафламоқдалар.

Мустамлакачилар кишанларини парчалаб, янги турмуш қураётган халқларга мамлакатимиз қалбидан оташин табрик сўзлари отилиб чиқмоқда.

Коммунизм бинокорларининг байрам намоийши тантанавор суратда жавлон уриб ўтмоқда. Кишилар оқимининг кети йўқдек туюлади. Шойи байроқлар, панорама, галабаларимизни акс эттирувчи порлоқ рақамлар, байрам қўшиқлари ва маршларнинг садоси — ана шуларнинг ҳаммаси тантанали гимнга — меҳнат гимнига айланиб кетди.

Октябрьнинг 45 йиллик кунинида совет кишилари ўз шон-шухратининг рамзи бўлган майдонда:

— Тинчлик галаба қилади!

— Меҳнат галаба қилади!

— Коммунизм галаба қилади!

— деб қасамед қилар эканлар, бу орзулар рўёбга чиқишига имоннинг қомил бўлади.

Ленинград, Киев, Минск, Тошкентда ва бошқа иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг шаҳар ва кишлоқларида ҳам кўп кишилик байрам намоийшлари бўлиб ўтди. Хамма жойда меҳнаткашлар КПСС XXII съезди қарорларини бажаришда эришган ютуқлари, мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумий ишга қўшган ҳиссалари тўғрисида рапорт бердилар. Меҳнаткашларнинг оммавий тантаналари партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлигини ёрқин намоийш қилди, (ТАСС).



Москвада 1962 йил 7 ноябрь кунини Ўлуг Октябрь социалистик революцияси 45 йиллигининг байрам қилиниши. Қизил майдонда Москва гарнизони қўшинларининг парадиди. Суратда: Ракета техникаси ўтиб бормоқда. В. Егоров ва В. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАГИ ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ Тошкентда парад ва намоийш

Ҳар бир байрамнинг ўзига хос тақдорланмас фасилати бор. Тошкентдаги Октябрь тантаналарининг муъжизаси ҳусусати шу бўлидики, бу байрам КПСС тарихий XXII съезидан кейинги дастлабки йилдаги мамлакатимизда, республикамизда бошланган умумхалқ иқтисодийнинг улугвор суръатларини ўзида ёрқин акс эттирди. Бу — коммунизм йўлидаги илҳомбахш меҳнат байрами бўлди.

Уч хил ранг — Ўлуг Октябрь 45 йил муқаддас Ватанимиз узра кўтарган революцион байроқларнинг қизил, ранг, совет халқи мустақкам қўриқлаб турган тинч осмонимизнинг мовий ранги, республикамизнинг ёлғизлиги, унинг коммунистик маъмуричилиқ дастурига қўшаётган саломати ҳиссасининг ажойиб рамзи бўлган пахтамининг оқ ранги Ўзбекистон пойтахтининг тантанали либосида бир-бирига уйғун бўлиб кетди. Ана шу уч хил ранг Ленин номи майдон узра марғур қилдираб турган Ўзбекистон ССР давлат байроғининг қўнига қўриқиб юборди. Кўп миллатли совет давлатининг шонли юбилейи кунини сон-саноксиз намоийшчилар Ленин номи майдон сари келадирлар.

7 ноябрь кунини эрталаб шаҳар меҳнаткашлари майдонга қўпгина йирик маршлар билан келдилар. Бу маршлар кечагина ҳуш-қўл бўлиб қўйилган ўрнида қад кўтарган Чиланзор ва бошқа янги уй-жой масивларининг проспекти орқали, етти йилликнинг тўртинчи йилда бўёбга келган янги заводлар ёнидан, Тошкент анҳорларининг қирғоғини бир-бирига улаган янги кўприклар устида ўтар эди. Парад ва намоийшлар бўлиб ўтганлиги традицион жой бўлиб қолган майдоннинг ўзи ҳам яшариб кетганга ўхшар эди.

Ҳукумат уйи тепасига осиб қўйилган улкан транспарантларга КПСС Марказий Комитети Октябрь Қарорларининг қўйидаги илҳомбахш сўзлари рус ва ўзбек тилларида ёзилган: «Яшасин ер юзидида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!».

Қардош республикаларнинг шабоба ҳиллириб турган байроқлари қўли-қўлга бериб, порлоқ коммунистик жамиятни барпо қилаётган мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, монолит бирлигини мужассамлаштирган эди. Карл Маркс ва Владимир Ильич Лениннинг жуда катта портретлари осиб қўйилган. Вино пештоғида — партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари. Никита Сергеевич Хрушчев КПСС XXII съездининг минбаридан айтган ва барча совет кишиларининг жанговар широри бўлиб қолган мана шу сўзлар майдоннинг нариги томонига қўйилган улкан паннода жилаб турди: «Мақсадларимиз равшан, вазифаларимиз белгиланган, ишга, ўртоқлар!».

Ильич ҳайкалининг, икки ёнига меҳмонларга атаб қўрилган минбарларни республикамизнинг атоқли кишилари тўлдирганлар. Булар орасида революция ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, иш ва маданиятнинг машҳур ардакдорлари ҳам Совет Иттифоқи Марказий Комитети, област ва шаҳар партия комитетларининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, жуда кўп чет эллик меҳмонлар бор.

Эрталаб соат 10, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолари кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари М. Абдуразақов, В. А. Карлов, Р. Курбанов, М. М. Мухомедов, Г. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинов, З. Р. Раҳимовбоев, А. Хайдаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети буюр аъзолари кандидатлари Н. В. Мартинов, Қ. Муртазоев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Х. Эрғашев, Н. В. Марцинюк ва бошқа ўртоқлар ҳукумат минбарига чиқадилар.

Майдонда Тошкент гарнизонининг қисмлари текис саф торғиб турган эди. Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондонини армия генерали И. И. Федюнинский майдонга кириб келди. У парад қўмондонини генерал — полковник Н. Г. Ляшневскийни рапортини қабул қилгач, жангчилар билан саломлашди, шундан сўнг минбарга чиқиб, нуқ сўзлайди.

Қўмондон солдатлари, сержантлар ва старшиналарни, офицерлар ва генералларни, Тошкент шаҳрининг ва бутун Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топиш-рувиغا буюнган умумхалқ байрами билан табриқлайди ва қўтқайди.

Совет Иттифоқи халқлари, дейи у, Ўлуг Октябрьнинг 45 йиллигини ўзларининг ижодий кучлари барқ уриб ашнаган, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги-янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда ишончланоқдалар. Партия XXII съездининг тарихий қарорлари ва коммунистик жамият қуришининг улугвор перспективаларидан илҳомланган совет кишилари коммунизмининг моддий-техника базисини яратишда катта-катта ютуқларга эришдилар. Социалистик Ўзбекистон совет халқларининг қардошлик оиласида ҳўжаликнинг ҳамма тармоқларини муваффақият билан ривожлантирмоқда. Республика саноати ўн ойлик пилани 25 октябрда мўддатидан олдин бакарди. Давлатга дон, қоракўтер, тухум сотиш ва топишнинг соҳасидаги йиллик планларини, шунингдек пилла топишнинг юзасидан олган социалистик мажбуриятларини тўла-адо этган кишлоқ меҳнаткашлари эндиликда етти йилликнинг тўртинчи йилда Ватанга 3 миллион 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ҳақида ўз зиммаларига олган энг муҳим мажбуриятини шараф билан адо этиш учун астойдил курашмоқдалар. Республика фани ва маданияти янги галабаларга эришди.

Бошқа барча социалистик мамлакатлар ҳам Совет Иттифоқи халқлари билан бир сафда бўлиб, салобатли суръатлар билан раванг томоқда. Эндиликда кишилик тарихий тараққиётининг энг асосий мазмунини, энг асосий йўналишини ва энг асосий ҳусусларини таназзул ва ҳалоқатга юз тутган империализм эмас, балки ҳаётий кучларга тўлиб тошган жаҳон социализм системаси белгилаб бермоқда. Жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳўйирги замоннинг буюк сиёсий кучи бўлиб қолди. Октябрь ўлуг идеяларининг ҳамда Совет Иттифоқи ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар эришган улкан муваффақиятларининг қудратли таъсири остида капитализмининг мустақкам турмалари емирилиб бормоқда.

Ана шу идеялар ва муваффақиятлар империалистларнинг беиҳсо ҳўйсарак қилиб қўймоқда. Тарихнинг ишжўнахона олимиди олдиди. Халқларнинг озодлигига бўлган зўр иттилийи олдиди ваҳишона талвасага тушиб қолган АҚШ империалистлари революцион Кубага қарши, халқларнинг тинчлик ва халфизлик ишига қарши ниҳоятда хатарли иғворлар қилдилар. Совет ҳукумати-нинг баёғотини, шунингдек, ана шу агрессиянинг йўлини тўсиш учун Совет ҳукумати қўрган тадбирлари бутун совет халқи қиз-ғини маъқуллади.

Империалистлар янги уруш бошлаб юборишдан иборат жинийоткорона планларини тўзётган бир шароитда, барча совет кишиларининг доимо гўй хушёр бўлиб туришлари ҳамда Ватанимиз куч-қудратини янада ошириш учун янги куч-гайрат сарфлашлари талаб қилинади. Жўнахон Ленин партиясига ва совет халқига ҳеч-қандай сўз қўйган, энг биринчи даражали техника ва қурул-програ билан таъминланган давлатимиз Куролли Қўшулари ўз Ватанини ҳимоя қилиш ва ҳар қандай агрессорни мажлаб ташишга доимо шай бўлиб турибдилар. Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари Ватанимиз жанубий чегараларини зйирақлик билан қўриқламоқда. Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига мақдам жинс-ланган бу қўшинлар ўзларининг муқаддас жангчилар бурчларини шон-шараф ва шаън-шавкат билан адо этишга тайёрдилар.

Қўмондон нуқтини тамомлар экан, яшасин Ўлуг Октябрьнинг 45 йиллиги, яшасин коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзидида барча халқлар мари кураш-чиси совет халқи, яшасин жўнахон Совет ҳукумати ва Ленин тузган Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси, деб хитоб қилади. Бунга жавобан майдонда қудратли «ура» садолари янграйди. Байрам салотининг садолари гўмбурлайди. Йиғма ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларини чалади.

(ДАВОМИ 3-БЕТДА)



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 10 НОЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.

Тошкентдаги В. И. Ленин номи Қизил майдонда меҳнаткашлар намоийши.

А. Абалия ва В. Салов фотолари.

